

Янги Ўзбекистонда эркин  
ва фаровон яшайлик!

2021 йил 31 август, сешанба  
№ 34-35 (1290-91)

# Инсон ва қонун

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)



## Менинг халқим

*Дунё — бир уй. Бир оила. Унда қўни-қўшни жам,  
Барчамиз тенг, қон-қардош — бизда шундай талқин бор.  
Бузилмасин, тинч турсин ҳатто қушинг уни ҳам,  
Деган ёруғ ўй билан яшаётган халқим бор...*

*Замин рози! Ниҳоли мева берди — боғ бўлди,  
Офтобга ризқ улашса ёришади юзи ҳам.  
Ерга қанча эгилса, қадди шунча тоғ бўлди —  
Шундай халқдан розидир Яратганнинг ўзи ҳам.*

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
жамоаси барча  
юртдошларимизни  
Мустақиллик байрами  
билан қутлайди!





## 1 СЕНТЯБРДАН ҚОНУНЧИЛИҚДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

- ✓ Кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси
- ✓ Боғча ва мактабга навбатга қўйишда имтиёзлар
- ✓ “Labor-migration” да ўқиганлар учун имтиёз
- ✓ “E-auksion” электрон савдо платформасида янги тартиб
- ✓ Талабалар учун таълим кредитлари
- ✓ Коррупцияга қарши курашишда муҳим қадам
- ✓ Мактабларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича Президент соврини
- ✓ Магистратурага давлат гранти асосида махсус қабул
- ✓ Техник кўриқдан ўтиш бўйича талон бериш бекор қилинди
- ✓ Халқ таълимида илмий-тадқиқот қўллаб-қувватланади
- ✓ Энди ҳайдовчидан ишончнома, рухсатнома талаб қилинмайди
- ✓ Тадбиркорга яна бир кўмак
- ✓ Чекка ҳудудларда ишловчи спортчи-тренерларга имтиёзлар
- ✓ Суд-экспертиза ўтказиш соҳасида янгилик
- ✓ Камондан отиш спорт тури ривожлантирилади
- ✓ Узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилади
- ✓ Оилаларда қаровсиз болалар аниқланади

### Кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси (болалар нафақаси) жорий этилади.

Унга қўра, болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори куйидагича белгиланди:

- 250 000 сўм — 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун;
- 325 000 сўм — ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;
- 150 000 сўм — оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;
- 100 000 сўмдан — оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун.

Кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори — 380 000 сўм этиб белгиланди.

Бунда 2021 йил 1 сентябрга-ча тайинланган мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади.

### Боғча ва мактабга навбатга қўйишда имтиёзлар

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади.

Техникум, коллеж, академик лицей ёки ОТМда ўқиётган даврида ҳар ўқув йилида бир мартаба ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун БХМнинг 5 баравари миқдорда субсидиялар ажратилади.

Ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг тегишли йўналишлар бўйича курсларда ўқиш харажатлари бир йилда БХМнинг 20 бараваригача миқдорда компенсация қилинади.

Ўқишни давлат ОТМларида давом эттирганда уларга стипендия тўловлари 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.

### “Labor-migration” да ўқиганлар учун имтиёз

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 2022 йил 1 сентябрга қадар “labor-migration” дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган, касб-ҳунар ёки хорижий тилларга ўқиган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга:

- хорижий тиллар ёки касб бўйича малака имтихонларини топириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун, башарти улар муваффақиятли топирилганда — БХМнинг 3 бараваригача миқдорда;
- йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — БХМнинг 2 бараваригача миқдорда;
- ривожланган давлатларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга “ишчи виза”ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — БХМнинг 5 бараваригача миқдорда компенсация тўланади.

### “E-auksion” электрон савдо платформасида янги тартиб

Бунда:

■ иштирокчиларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига аукционда қатнашиш учун электрон рақамли имзо калити сертификати масофадан туриб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Элек-

трон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан бепул тақдим қилинади;

■ объектларни аукционга чиқариш учун тўланадиган йиғим бекор қилинади;

■ аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказиладиган кундан 30 кун олдин эълон қилинади;

■ хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб аукцион жараёни якунига қадар иштирокчиларга объектни сотиб олиш бўйича аукцион қадамига боғланмаган ўз нарх таклифини киритиш ҳуқуқи берилади;

■ сотилган объектнинг қиймати БХМнинг 5 минг бараваригача бўлганда, тўловларни 10 иш куни, 5 минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлганда тўловларни 15 иш куни мобайнида тўлаш имконияти яратилади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

■ аукцион ғолиби тўловларни тўлашдан бош тортиш тақдирда, ғолиб ҳамда унинг тўғридан-тўғри таъсисчилари аукционлардан четлатилади (тўловларни тўламаслик ҳолати биринчи марта содир этилганда бир йил муддатга, иккинчи марта такрорланса муддатсиз даврга).

■ аукционга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади.

### Талабалар учун таълим кредитлари

Республикадаги ОТМда тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси миқдоридан ва ўқиш муддати тугагандан кейин еттинчи ойдан бошлаб 7 йил муддатда қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари берилади.

### Коррупцияга қарши курашишда муҳим қадам

Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари онлайн очик танлов асосида ишга қабул қилинади.

### Мактабларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича Президент соврини

Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижаларга эришган мактабларни рағбатлантириш мақсадида Президент соврини таъсис этилади.

Бунда, соврин учун мусобақалар умумтаълим мактаблари ўртасида қуйидаги уч босқичда ташкил этилган ҳолда:

- биринчи босқич — туман ва шаҳарларда ўтказилиб, ғолиблар 100 млн. сўмгача;
- иккинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилиб, ғолиблар 250 млн. сўмгача;
- учинчи босқич — республика миқёсида ўтказилиб, ғолиблар 500 млн. сўмгача пул маблағлари билан мукофотланади.

### Магистратурага давлат гранти асосида махсус қабул

ОТМнинг “Физика”, “Биотехнология физикаси”, “Физика ва астрономия” каби бакалаврият таълим йўналиши талабалари ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадаси ғолиблари ва физика бўйича нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари физика мутахассисликлари бўйича қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида магистратурага

ўқишга қабул қилинади.

Физика фанлари бўйича халқаро ва республика олимпиадалари ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларга ойлик маошининг 100 фоизи миқдоридан бир марталик пул мукофоти берилади.

Физика фанлари бўйича талабалар учун тўғаракларни олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига 25 фоиз миқдоридан ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

### Техник кўриқдан ўтиш бўйича талон бериш бекор қилинди

Транспорт воситаларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларида мажбурий техник кўриқдан ўтказишда ҳаракатланувчи мобил техник назорат линияларидан фойдаланиш тартиби жорий этилади.

Жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги автотранспортларни тадбиркорлар — юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказишда ҳаракатланувчи мобил техник назорат линияларидан фойдаланилади.

Хорижий давлатларга чиқадиган транспортлардан ташқари барча транспортларга техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талонларни бериш амалиёти бекор қилинади.

### Халқ таълимида илмий-тадқиқот қўллаб-қувватланади

Малака тоифасини бериш ва сақлаб қолиш бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш йил давомида амалга оширилади.

Узрли сабабларга қўра (меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътили ва бошқалар) аттестациядан ўтмаган педагог кадрлар иш фаолиятига қайтганларига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади ва мазкур давр мобайнида уларнинг малака тоифаси сақлаб қолинади (ўз ташаббусига қўра аттестациядан ўтмоқчи бўлган педагог кадрлар бундан мустасно).

### Энди ҳайдовчидан ишончнома, рухсатнома талаб қилинмайди

Автомобил транспортни бошқариш учун ишончнома (нотариал тартибда тасдиқланган), техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома электрон шаклга ўтказилмоқда. Энди мазкур ҳужжатларни ҳайдовчидан талаб этиш тартиби бекор қилинади.

### Тадбиркорга яна бир кўмак

2021—2024 йилларда йиллик экспорт тушумида гул экспортдан тушум улуши камида 30 фоизни ва 100 минг АҚШ доллардан кўпни ташкил қиладиган тадбиркорларнинг хом ашё (гул кўчатлари, уруғлари, пиёзлари ва пайвандтаглари) импорти учун сарфланган транспорт харажатларининг 50 фоизи қопланади.

### Чекка ҳудудларда ишловчи спортчи-тренерларга имтиёзлар

Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Парасиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охириги 5 йилда ғолиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган, шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда ишлаётган спортчи-тренерларга:

■ спорт тўғаракларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки хисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ижарага берилади;

■ спорт инвентарлари, буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш учун субсидиялар ажратилади;

■ камида 100 нафар ёшларнинг мунтазам спорт билан шугулланишини ташкил этган тақдирда, БХМнинг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳар ойлик тўлов жорий этилади.

### Суд-экспертиза ўтказиш соҳасида янгилик

Давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларига мувофиқ, суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқот ўтказиш ҳуқуқи берилади.

Иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда адвокатга суд-экспертиза ташкилотларида шартнома асосида адвокат сўровига қўра экспертиза ўтказиш ташаббуси билан чиқишга рухсат берилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари экспертларини ҳар 3 йилда бир мартаба аттестациядан ўтказиш механизми жорий қилинади.

### Камондан отиш спорт тури ривожлантирилади

Камондан отиш спорт тури бўйича ҳудудларда иктидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг уч босқичли тизими жорий этилади.

Ҳар йили анъанавий тарзда камондан отиш спорт тури бўйича:

- Тошкент шаҳрида “Алпомиш ва Барчиной” халқаро турнири ташкил этилади;
- Самарқанд шаҳрида аёллар ўртасида “Тумарис кубоги” халқаро турнири ўтказилади;
- Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хива шаҳарларида “Туризм ва камондан отиш ҳафталиги” ташкил этилади.

### Узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилади

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юридик шахс макомига эга бўлмаган, узумчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари ташкил этилади.

Аҳоли томорқаларида, маҳалларда узум етиштиришни кенгайтиришнинг янги механизми жорий этилади.

Узум етиштириш, уни қуритиш, қадоклаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишнинг тўлиқ циклини яратиш мақсадида узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилади.

### Оилаларда қаровсиз болалар аниқланади

Қаровсиз болаларнинг шахси аниқланиб, уларнинг ўқиши ва ҳуққ-атвори, оиласидаги муҳити ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилар ўрганилади.

Энди вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан — таълим муассасаларида, прокуратура инспекторлари томонидан — хизмат ҳудудидан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан — оилаларда қаровсиз болалар аниқланади.

Лобар РОЗИМОВА,  
“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази масъул ходими

# Биз Ватанни Ўзбекиона севамиз!

**ЭЪТИБОР берганмисиз, киндик қонингиз томган шаҳар ёки қишлоғингизга яқинлашганда, юрагингиз уриши тезлашади, қалбингиздан меҳрми, сеҳрми, нимадир отилиб чиқаётгандек бўлади. Бутун суғудингизни ҳаяжонли титроқ босади. Ёки ўзга юртлардаги сайру сайҳатлардан Она ватанга қайтиб келганда юракни бир кучли тўлқин титратади. Она заминга оёғингиз тегиши ҳамоню юрагингиз ўз хонасига синмай ҳапирқиб қолади, юрак зарблари худди бошқаларга ҳам эшитилгудек акс-садо бера бошлайди. Ана шу титроқлар, ана шу ҳаяжонлар, ана шу меҳрлар билан, жамгина севамиз Ўзбекистонни...**

Ёки Халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганда, кўздан отилган ёшлар билан, қалбларни титратган ғолиблигу музаффарликлар ичра шоҳсупадаги ғурур ва ифтихорни бошимиздан баланд кўтариб, юрт байроғини мардона ўпиб, ғолибона севамиз Ўзбекистонни!

Уйимиз айвонига қалдирғочин қурганида кўзларимиздаги қувончларни, боламиз илк бора кадам босганидаги шукроналикни, ўзи пойгакда ўтириб, меҳмонни тўрга ўтқазишни, энг яхши кўрган тўнини дўстининг елкасига ёпишни, бир бурда нонини бошқаларга ҳам илинишни, Ватанимизни — онамиз, деб ардоқлашни кўплар биздан ўрганган...

## ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

Бу шиор бизнинг бағрикенглигимиз МАДҲИЯСИ. Бу шиорнинг замирида Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатнинг меҳри ва уларга бўлган муҳаббатимиз мужасамлашган. Кўнглимиз эшикларидўстларга, қардошларга, барча яхшиларга доимо очиқ...

Бағрикенгмиз... Ватаннинг энг юксак мукофоти — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, олтин юлдуз нишонини ҳам ўзимиздан аввал биз билан ёнма-ён яшаётган, Ўзбекистон тараққиёти учун меҳнат қилаётган қардошлар — украин, рус, қозоқ миллатининг кўксига таққан танти ва мард элни яна

қайдан топасиз? Ўзбекистон истиқлолининг илк Қаҳрамонлари — кочни Николай Кучерский, эксковаторчи Анатолий Панин, чўпон Серикбай Сағатовларга кўрсатилган бағрикенглик билан дўстона севамиз Ўзбекистонни!

Конституциямизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” деб белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас.

Қизилқумликларнинг фарзандлари учун ўз тилларида умумий ўрта таълим мактабларида билим олиш, Навоий давлат педагогика институтининг қозоқ тилида таълим берадиган факультетларида олий таълим олиш имкониятлари яратилганлиги қонунларнинг амалдаги ифодаси эмасми?

Конимехда бор-йўғи юз нафар ўқувчиси бўлса ҳам, бутун бошли қорақалпоқ тилида сабоқ берадиган умумий ўрта таълим мактаби борлиги ҳам Бош қомусимиздаги адолат принципларидан далолат эмасми?

## ВАТАН ЮРАКДАН БОШЛАНАДИ...

Ватан остонадан бошланади, деган гапни кўп айтаемиз. Йўқ, Ватан остонадан ҳам ичкарироқдан, Ватан юракдан бошланади. Ватан улуғларнинг жасорати, матонатини, фидойилигидан бош-

ланади. Юрту ватан, элларини соғинган даҳоларим руҳини шод этиш шарафи билан, асл маърифатпарварларимизни осган оғиз дорларга бардош берган буюк ишончлар билан, мозийлар садоси бўлиб, Қодирий, Чўлпонлар нидоси бўлиб, эртанги ёруғ умидлар Худоси бўлиб севамиз, Ўзбекистонни.

Мусофирлик ҳеч кимга мукофот эмас. Тақдир тақозоси билан тирикчилик ғамида чет элларда юрган, бегона кўчаларда ўзимизнинг қоракўзларни кўриб қолганида, юраги гўпириб урадиган, ёт элларда димоғига урилган тандир номимиз хиридан боши айланиб, томоғига тиқилган ҳирқираган соғинчлар, оғир-оғир силкинган елкалар билан ғойибона севамиз Ўзбекистонни!

Оллоҳ узрли қилиб яратган, қўли ишламас ҳам, оёғи билан мафтункор юрт манзараларини — тоғлари-ю, боғларининг суратини чизаётган жисмоний имконияти чекланган, аммо иродаси буқилмас, сабр-тоқати чексиз ўғил-қизлар нигоҳи билан, қулоғи эшитмас-да, вужуди билан тинглайдиган, кўзлари кўрмас ҳам, вужуди билан кўрадиган, ҳис этадиган, мусиқа садоларига рақсга тушган бири камгиналарни кўрганда, дунёни титратган армонлар ва тилсиз шукроналик билан севамиз Ўзбекистонни!

Яқинда бир дўстимизнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида Германияда яшаётган ўзбек қизининг чиройли фикрларини ўқиб, тўлқинландим. “Маърифат саодати”нинг Германиядаги доимий вакили Маърифат Нурнинг фикрларидан бир парча келтирмакчиман:

## ВАТАННИ НЕМИСЧА СЕВИШ

“Уч йилдан буён оиламиз билан Германияда истиқомат қиламан. Шу сабабли ҳам, немислар ҳақида анчагина маълумотга эга бўлдим. Бу маълумотлар кучли ҳаяжон ва гўзал таассуротларга тўла. Бугун сизларга Ватанни немисча севиш қандай экани ҳақида айтиб бермоқчиман.

Журналист бўлганим учунми, Германиядаги ҳаётимнинг илк кунлариданоқ биринчи навбатда немис оммавий ахборот воситаларини кузата бошладим. Уларда ҳаётни, воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш мен одатланганимдан буткул ўзгача эди. Бу ерда телемуҳбирлар қайси ташкилот ёки корхонага боришмасин, интервьюларни, фикр-мулоҳазаларни асосан ишчи-хизматчилардан оладилар. Раҳбарлар эса жуда камдан-кам ҳолатлардагина интервью беришади, шунда ҳам уларнинг раҳбар эканини экрандаги титр орқали билиб оласиз. Чунки бу ерда катта-катта корхоналар, корпорациялар раҳбарлари ҳам кўринишлари, кийинишлари, ўзини тўтишлари билан оддий ишчилардан алоҳида ажралиб турмайди. Уларнинг на имиджида раҳбарнамолик, на сўзида баландпарвозлик бор. Ҳаммаси бирдек — оддий.

Немислар Ватанни мактаб эмас, асраб севишар экан...”

**Ватанни мактаб эмас, асраб севиш...** нақадар таъсирли ва ибратли. Бу хулоса Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” номли гўзал шеърини беихтиёр ёдга солади.

*“Мен нечун севаман  
Ўзбекистонни,  
Тупроғини кўзимга  
айлаб тўйтиё.*

*Нечун ватан, дея еру  
осмонни,*

*Муқаддас атайман,  
атайман танҳо.*

*Халқим, тарих ҳукми  
сени агарда,*

*Мангу музликларга  
элтан бўлсайди,*

*Қорликларни макон  
этган бўлсайдинг,*

*Меҳрим бермасмидим  
ўша музларга?*

*... Юртим сени фақат  
бойликларинг-чун*

*Севган фарзанд бўлса,  
кечирма асло!..”*

сатрларида Ватанни таъмаларсиз севиш кераклигига ундов ва қатъий иқрор туйғулари бор. Ана шу беминнат меҳр иқрори билан севамиз Ўзбекистонни!

Биз Ватанни титроқлар билан жимгина, жаҳон саҳнасида ғолибона, онамизни севгандек жондан азизона, қардошларча дўстона севамиз, тилсиз шукроналик садоси бўлиб, ёруғ умидларнинг Худоси бўлиб, содда қилиб айтганда, ўзбекиона севамиз ЎЗБЕКИСТОННИ! Байрамнинг муборак, жоним — Ўзбекистоним!

**Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири**



# ● Мустақилликка тенгдош ТАЖРИБА

**МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришганига 30 йил тўлди. Бу қутлуғ байрамни ҳар бир соҳа вакили, ҳар бир инсон ўзига хос ютуқлар билан кутиб олмақда. Тошкент давлат юридик университетини том маънода мустақиллигимиз меваси, ҳуқуқшуносларимиз орзу-мақсадларининг ушалиши, дейиш мумкин. Қанчадан-қанча ҳуқуқшуносларнинг билим ўчоғи бўлган олийгоҳнинг мустақил таълим муассасаси мақомини олганига ҳам бу йил 30 йил тўлди.**

Мамлакатимизда юридик таълим соҳаси кенг ислоҳ қилинмоқда. Кейинги йилларда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштириш, юридик таълим тизимига ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ТДЮУ ва бошқа юридик факультетларни халқро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш, миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш вазифаси қўйилган эди.

Яқинда Буюк Британиядаги олий таълим соҳасига оид муҳим масалаларни ёритувчи ва университетлар фаолиятини баҳолаб борувчи нуфузли “Times Higher Education” ташкилоти ўзининг навбатдаги “THE Impact Ranking” рейтинг натижаларини эълон қилди. Ўрганиш ва хулосаларга асосан дунёнинг 94 та минтақа ва давлатидан қатнашган минглаб олий таълим муассасалари орасида Тошкент давлат юридик университети 401-ўринни эгаллагани юбилейга муносиб тўхфа бўлди. Университет мазкур рейтингда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари

орасида энг юқори натижани қайд этгани барчамизни қувонтирди.

27 йилдан буюн шу даргоҳда фаолият юритаман. Шундай олийгоҳда ишлаганимдан фахрланаман, албатта. Ўзимни ёш авлодни тарбиялашда иштирок этаётган, янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида турган энг бахтли олима аёл деб ҳисоблайман.

Ёшлар — халқимизнинг асосий таянчи ва суянчи. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутуди, албатта. Тошкент давлат юридик университетининг талаба ёшлари янги фикрлаш, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга ошириш, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга ўрганган. Талабаларимиз бир қанча хорижий тилларни яхши билиши биз — устозларга янада куч бағишлайди. Уларнинг билим олишга интилиши, илмфан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзга чиқариши, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокини кўриб, қувонамиз, албатта.

Мамлакатдаги барча даражадаги юридик таълимнинг таянч даргоҳига айланган университетнинг илмий, пе-

дагогик, маънавий-маърифий салоҳияти сезиларли ортганини нафақат республикамиз, балки хориж мутахассислари ҳам эътироф этишмоқда. Университетда миллий олий ўқув юртли орасида биринчи бўлиб ўқитишнинг модулли кредит тизими муваффақиятли жорий этилди.

Ҳозирги пандемия шароитида мамлакатимизда “Электрон таълим” миллий тизимини шакллантириш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Хусусан, университетда ўқув-педагогик жараёнига хорижий илғор инновацион таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, ўқитишнинг кредит-модуль тизими ва талабалар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва илм аҳли вакилларининг мустақил тадқиқотчилари билимларини жаҳон таълим ресурслари асосида кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Университет таълим платформаси орқали олиб борилётган ўқув жараёни онлайн дарслар учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Бу эса, таълим сифатини ошироқда. Ушбу платформада маърузалар ҳамда амалий

машғулот ва семинарлар учун форум ташкил қилишда BigBlueButton имкониятларидан фойдаланилмоқда. Университетда ташкил қилинган кредит-модуль тизими самарали ишламоқда. Талабаларнинг мустақил таълим олиши учун барча манбалар мазкур платформага жойлаштирилган. Мустақил таълим жараёнида ўзлаштирилган билимларни платформа орқали автоматик равишда баҳолаш имконияти мавжуд. Платформага жойлаштирилган BigBlueButton тизими орқали дарсда қатнаша олмаган ёки дарсни ўзлаштирмаган талаба профессор-ўқитувчилар маърузаларини қайта кўриш имкониятига эга бўлади. Форум воситасида онлайн мулоқот қилиш барча муаммоларни биргаликда ҳал этишга имкон беради.

Таълим олишда ҳудудий ва вақт тўсиқларини бартараф этиш, давлат бюджети маблағларини тежаш мақсадида хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчиларини масофавий таълим жараёнига кенг жалб этиш йўлга қўйилди.

Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумини тайёрлашда хорижий таълим муассасаларининг етакчи олим ва мутахассислари жалб этилмоқда. Шунингдек, жаҳоннинг нуфузли таълим муассасалари томонидан яратилган электрон дарслиklar, ўқув қўлланмалар, махсус интерфаол дастурлар, видеоматериаллардан таълим олиш жараёнида масофадан туриб фойдаланиш имконияти яратилди.

Ҳуқуқшунос сифатида айтишим жоизки, мустақиллик йилларида “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”,

“дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалиётда учраётган айрим муаммоларни, қонунчиликдаги бўшлиқларни кўриб, илмий салоҳиятга эга бўлган иқтидорли шогирдларимга, ёш тадқиқотчиларга долзарб мавзулар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги муаммолар юзасидан мавзулар танлашга ёрдам бераман. Уларнинг илмий-исланишлари, олиб борган тадқиқотлари асосида муаммоларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликка таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ёш тадқиқотчиларимиз танлаган мавзулар, улар олиб бораётган тадқиқотлар суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, вояга етмаганлар, гендер тенглик масалалари юзасидан нормадаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади, албатта.

Мана шундай унутилмас тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб этганидан бахтиёрман. Она Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз, садоқатимиз ҳар лаҳза қалбимизга иштиёқ, яшаш учун рағбат беради. Ватанпарварлик ҳисси дилимизда мужассам. Барча юртдошларимизни, устозлар ва талаба ёшларни, кўп миллатли халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳар бир фуқарога оиласида тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат доимо ёр бўлишини тилайман. Ёшларимиз ўз билим ва иқтидори билан ҳамisha эл қорига яраб, халқимизнинг ишончи ва суянчи бўлсин!



**Гулчеҳра ТўЛАГАНОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети профессори,  
юридик фанлар доктори



# АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ СИЗ БИЛАН...



БУХОРО

## ОГОҲЛАНТИРИШ ХАТИДАН СЎНГ ОРОМИ ЙЎҚОЛГАН ХОДИМ...

БУХОРО туман, "Работипоён" маҳалласида яшовчи Меҳриноз Рўзиева Бухоро вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида ишлаб келган. Унинг штат қисқартирилиши асосида ишдан бўшатилаётганлиги ҳақидаги мурожаати Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, М.Рўзиева 2010 йилдан буён бошқармада "атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш" бўлимида 1-тоифали мутахассис лавозимида ишлаб келган, 2021 йил 3 майда унга иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати берилган.

Бошқарма томонидан фуқаро М.Рўзиеванинг мурожаатига берилган жавоб хатида у ишлаб келаётган штат бирлиги қисқартирилганлиги, уни иш билан таъминлаш чоралари кўрилиши

маълум қилинган ва 2021 йил 23 июлда унга Меҳнат кодексининг 89-моддасига мувофиқ, бошқарма ходими Д.Бурхонова туғуруқ ва бола парвариши таътилидан қайтгунига қадар унинг ўрнига вақтинчалик ишлаб туриш таклиф этилган. Ушбу ҳолатлар муаллифнинг ҳақли эътирозига ва адлия идорасига мурожаат қилишига сабаб бўлган.

Ваҳоланки, М.Рўзиеванинг қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди бўлиб, улардан бири ҳали 3 ёшга ҳам тўлмаган. Бундан ташқари, у 10 йилдан ортиқ иш ста-

жига эга бўлиб, эгаллаб турган лавозимига талаб қилинадиган Бухоро муҳандислик технология институтининг сиртки бўлимида 4-курсда таҳсил олмоқда.

Меҳнат кодексининг 237-моддасига мувофиқ, "Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган бола-си бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шарт

билан бекор қилинади. Муддати туганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёлларни ишга жойлаштириши шарт.

Адлия аралашуви билан, бошқарма бошлигининг буйруғига биноан М.Рўзиева ўз розилиги асосида "атроф-муҳитнинг ифлосланишини мониторинг қилиш бўлими" 1-тоифали мутахассиси лавозимига ўтказилди.

**Абдурахимхўжа  
БАФАЕВ,  
Бухоро шаҳар адлия  
бўлими бошлиғи**



ЖИЗЗАХ

Отада қолган бола

## ОНАГА ҚАЙТАРИЛДИ

ХАЛҚ депутатлари Зафаробод туман Кенгашининг қарорига асосан "Аёллар дафтари"га ҳуқуқий ёрдам масаласи бўйича номи киритилган фуқаро Дилдора Маматқулованинг мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Д.Маматқулова ўз мурожаатида шаръий никоҳ асосида фуқаро Р.Ғофуров билан турмуш қурганлиги, ўртада икки нафар фарзанди борлигини, 2018 йилда келишмовчилик сабабли ажрашганлигини баён қилган. Биринчи фарзанди 2010 йилда туғилган Раҳматулла Ғофуровни турмуш ўртоғи ўзида олиб қолиб, онасига бермаётганлигини билдириб, ундан фарзандини олишда амалий ёрдам сўраган.

Аниқланишича, Д.Маматқулова ҳақиқатан ҳам 2009 йилдан фуқаро Р.Ғофуров билан шаръий никоҳ асосида яшаб келган. Оилавий келишмовчилик сабабли 2016 йилда ажрашган. Турмуш ўртоғи Р.Ғофуров 2010 йилда туғилган ўғли Раҳматуллани ўзида олиб қолган.

Болани онасига олиб бериш масаласи фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди томонидан кўрилиб, болани онасига қайтариш белгиланган. Шундан сўнг улар 2017 йилда ўзаро ярашиб, 2018 йилга қадар бирга яшашган. Бироқ бу ярашиш узоққа бормаган, оилавий келишмовчилик сабабли улар яна ажрашишган. Фуқаро Р.Ғофуров Раҳматуллани яна онасига бермасдан ўзида олиб қолган.

Дилдоранинг мурожаати "Аёллар дафтари"га киритилган, собиқ турмуш ўртоғидан ўғил онасига олиб берилди.

**Бунёд ИКРОМОВ,  
Зафаробод туман  
адлия бўлими бошлиғи**

## Суд қароридан сўнг ҲОКИМЛИК **уч нафар фуқарога** **компенсация пули** тўлади

ФУҚАРОЛАР А.Махманазаров, А.Удаев ва А.Останаевларнинг савдо дўкони бузилганлиги учун компенсация пуллари тўлаб берилмаганлигидан норозилиги тўғрисидаги мурожаати Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига кўра, Муборак туман ҳокимининг тегишли қарорига асосан фуқаролар А.Махманазаров, А.Удаев ва А.Останаевларнинг савдо дўкони бинолари ҳеч қандай компенсация тўлови тўланмасдан бузилганлиги маълум бўлди.

Фуқаролик кодексининг 206-моддасига асосан олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қоплангунига қадар йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Шунга асосан, фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судига жавобгар Муборак туман ҳокимлиги ҳисобидан даъвогарлар фойдасига компенсация тўловларини ундириш ҳақида ҳал



КАШҚАДАРЁ

қилув қарори чиқариш юзасидан даъво аризалари киритилди.

Суд томонидан даъво аризалари тўлиқ қаноатлантирилиб, А.Махманазаровга 63 млн. 987 минг 900 сўм, А.Удаевга 189 млн. 272 минг 200 сўм ва А.Останаевга 41 млн. 608 минг 235 сўм компенсация пули ундириб бериш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

**Элнур ИСМОИЛОВ,  
Қашқадарё вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими**

ТОШКЕНТ

ТОШКЕНТ вилоят адлия бошқармаси ҳамда туман, шаҳар адлия бўлимларига ҳисобот даврида жами 6249 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 5845 таси ҳал қилинган.

СОЛИҚ ИДОРАСИ

**2** миллиард **91** миллион

сўмни **"ЮТҚАЗДИ"**

Шулардан бири "My Berry" МЧЖДир. Ушбу жамиятга нисбатан ҳисобланган 2 млрд. 91 млн. сўм миқдоридаги қўшимча қиймат солиғи Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан қайтарилмаганлиги юзасидан қилган мурожаати адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 5 апрелида Тошкент туманлараро маъмурий судига Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармасининг "Икки миллиард тўқсон бир миллион сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплашни рад этиш тўғрисида"ги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ариза киритилди.

Суднинг 2021 йил 12 майдаги ҳал қилув қарорига асосан, вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган ариза қаноатлантирилиб, солиқ бошқармасининг "My Berry" масъулияти чекланган жамиятига "2 миллиард 91 миллион сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплашни рад этиш тўғрисида"ги қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

**Хуршид ПИРНАЗАРОВ,  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси  
масъул ходими**

## ЖАМОЛИДДИН ҲАМ ПАСПОРТИДАН, ҲАМ ТУҒИЛГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИДАН АЙРИЛДИ, НЕГА?



ХОНОБОД шаҳар “Истиқлол” маҳалласида яшовчи, 1994 йилда туғилган Ж.Очиловнинг туғилгандан буён ҳал этилмаган муаммоси шаҳар адлия бўлими аралашуви билан ечим топди.

Маълум бўлишича, Ж.Очилов 1994 йил 21 июнда туғилган. 1994 йил 28 декабрда эса, Қўрғонтепа туман 2-сон ФХДЭ бўлими томонидан 700-сонли далолатнома ёзуви асосида бирламчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилган. 2010 йил 2 февралда эса, Жамолiddин юқоридаги далолатнома ёзуви мувофиқ Қорасув шаҳар ФХДЭ бўлимидан такрорий туғилганлик ҳақида гувоҳнома олган.

Энг муҳими, бу орада — туғилган вақтидан 2001 йилгача онаси Н.Қўлдошева билан бирга яшаб келган. Кейин эса, онаси бедарак кетиб, бола бувиси М.Қўлдошева қўлида қолган. Шу боис Н.Қўлдошева фуқаролик ишлари бўйича

Қўрғонтепа туманлараро судининг 2006 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарорига биноан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Шу орада бувиси ҳам вафот этган. Жамолiddин Пахтаобод туманидаги 31-сон етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар мактаб-интернатига жойлаштирилган. Шундан сўнг у 2010 йилда мактаб-интернатнинг 9-синфини, 2013 йилда эса, Андижон педагогика коллежини тамомлаган. Кейинчалик — 2014 йил 10 апрелда такрорий гувоҳнома асосида фуқаролик паспортига эга бўлган.

Бундан 3-4 йил аввал Ж.Очилов ишлаш учун чет элга кетиб, 2019 йилда юртимизга қайтиб келгач, уйланиш мақсадида ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва фуқаролик паспорти Пахтаобод туман ИИБ ходимлари томонидан олиб қўйилади. Негаки, бола-

нинг туғилганлиги қайд этилган дастлабки 700-сонли далолатнома ёзуви бошқа шахс номига расмийлаштирилганлигини аниқлашади.

Шундан кейин Ж.Очилов Хонобод шаҳар ФХДЭ бўлимига далолатнома ёзувини тиклаш юзасидан мурожаат қилган. Бироқ ФХДЭ бўлими ушбу мурожаатни рад этган.

Шаҳар адлия бўлими томонидан юқоридаги маълумотлар асосида фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судига Жамолiddиннинг манфаатини кўзлаб, даъво аризаси киритилди. Суд Ж.Очиловни Н.Қўлдошевадан туғилганлик фактини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Бошқача айтганда, Жамолiddин Очилов 27 ёшида “туғилди”.

**Ботиржон НАЗИРОВ,**  
Хонобод шаҳар адлия бўлими бошлиғи

## НАВОЙЙ

### Банк ходимлари нимани унутди?



ТАДБИРКОРЛИК фаолияти билан шуғулланаётган навбахорлик фуқаро Д.Жуманазарова ўз фаолиятини янада кенгайтириш, кўшимча иш ўринлари очиш мақсадида Агробанкнинг Навбахор туман филиалига 200 млн. сўм кредит ажратишини сўраб мурожаат қилган. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун”, деган тамойилни унутган банк ходимлари эса, унга рад жавобини берган.

Бундан норози бўлган Д.Жуманазарова туман адлия бўлими ҳамда “Мадат” ННТга мурожаат қилиб, ўзининг номида 2 та уй-жойи борлигига қарамасдан, банк ходимлари унга гаров эвазига кредит бермаётганидан норозилигини билдирди. Чунки у ўзининг номида бўлган, айни пайтда бўш турган иккита турар жойни гаровга қўйиб, тижорат банкидан кредит олишни ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришни режалаштирган эди.

Ваҳоланки, фуқаро бундай ҳолатда 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Гаров тўғриси-

да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун, “Ипотека тўғрисида”ги Қонун ва Фуқаролик тўғрисидаги кодексда қайд этилган гаров тўғрисидаги нормаларга асосан ўз мулкни гаровга қўйиб, банкдан кредит олиш ҳуқуқига эга.

Адлия аралашуви билан Д.Жуманазаровага 200 млн. сўм кредит маблағ ажратилишига эришилди.

**Суннатилло ҚАЮМОВ,**  
Навбахор туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

## ХОРАЗМ

ҲАЗОРАСП тумани “Гиламчилар” кўчаси, 104-уйда яшовчи фуқаро М.Атаназарованинг “Зеҳнли” маҳалласи ҳудудидаги ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 118,32 кв.метр ер майдонида қурилган пойдеворга нисбатан туман давлат солиқ инспекциясининг 17 млн. 88 минг 197 сўм миқдоридagi солиқ тўлови нотўғри ҳисобланиб келинаётганлиги тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилди.

## ФУҚАРОНИНГ СОЛИҚДАН ҚАРЗИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, туман адлия бўлими томонидан Урганч туманлараро маъмурий судига Хоразм вилоятида фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссиясининг 2019 йил 1 июндаги фаолиятсиз объект мулкдорларига нисбатан таъсирчан солиқ чорасини қўллаш юзасидан хулосасини ва Ҳазорасп туман давлат солиқ инспекциясининг солиқ ҳисоблаш ҳаракатларини ҳақиқий эмас, деб топиш, туман давлат солиқ инспекциясига ортиқча ҳисобланган солиқни ҳисобдан чиқариш мажбуриятини юклаш тўғрисида ариза киритилди.

Суднинг тақдим қилган маълумотида кўра, Хоразм вилоятида фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссиясининг 2019 йил 1 июндаги хулосасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди. М.Атаназаровага нисбатан туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобланган жами 17 млн. 88 минг 197 сўм миқдоридagi солиқ тўловлари ҳисобдан чиқарилди.

**Шоназар ЯКУБОВ,**  
Ҳазорасп туман адлия бўлим бошлиғи

## НАМАНГАН

### ХОДИМ ОҒЗАКИ ИШДАН БЎШАТИЛГАН, аммо **меҳнат** **шартномаси** БЕКОР қилинмаган



НАМАНГАН тиббиёт коллежи (ҳозирги Абу Али ибн Сино номидаги Наманган жамоат саломатлиги техникуми) психологи Ш.Мамадалиева ноҳақ ишдан бўшатилганидан норози бўлиб, Наманган шаҳар адлия бўлимига амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилган.

Аниқланишича, Ш.Мамадалиева 2012 йил 26 ноябрда Наманган тиббиёт коллежига 1 ставка психолог лавозимига ишга қабул қилинган. Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессонал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони биноан 2020 йилда Наманган тиббиёт коллежи Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги Абу Али ибн Сино номидаги Наманган жамоат саломатлиги техникумига айлантирилган.

Шу боис, муассаса маъмурияти 2020 йил 12 майда коллежнинг техникум тартиқасида қайта ташкил этилаётгани, шунингдек, меҳнат хусусиятлари, ишлар ҳажми ва меҳнат шартлари ўзгариши важи билан барча ходимларга,

шу жумладан, Ш.Мамадалиевага ҳам меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига асосан бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хати берган.

Шундан сўнг, иш берувчи томонидан психолог ходимга оғзаки равишда ишдан бўшатилгани айтилган ва унга иш ҳақи тўлаш тўхтатилган. Аммо Ш.Мамадалиева билан тузилган меҳнат шартномаси амалда бекор қилинмаган ва у ишдан бўшатилмаган.

Бундан ташқари, мурожаатни кўриб чиқиш мобайнида ходим ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор туриб қолган бўлса-да, 2020 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари ва 2021 йилнинг январь ойи учун иш ҳақи ҳисобланмагани ҳам аниқланди. Ваҳоланки, Меҳнат

кодексининг 159-моддаси 1-қисмида ходим ўзининг айбисиз бекор туриб қолган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланиши белгиланган.

Шу боис, адлия бўлими томонидан Наманган жамоат саломатлиги техникуми маъмуриятига тақдимнома киритилиб, Ш.Мамадалиева аввалги ишига тикланди. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига киритилган даъво аризасига асосан таълим муассасасидан ходимнинг фойдасига бўш туриб қолган даври учун 8 млн. 364 минг 695 сўм миқдоридagi иш ҳақи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

**Муроджон РАҲМОНОВ,**  
Наманган шаҳар адлия бўлими бошлиғи



“СИРДАРЁ таъмирлаш тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси Ховос филиали ва “Ховос таъмирлаш тиклаш” масъулияти чекланган жамияти ўртасида “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 138 млн. 666 минг 667 сўм маблағ эвазига тўртта тандирхона қуриш бўйича шартнома имзоланган.

ТАНДИРХОНА ҚУРГАН

## “ТАНДИРЧИ” САРСОН БЎЛДИ

“Ховос таъмирлаш тиклаш” масъулияти чекланган жамияти шартнома шартларига мувофиқ тандирхоналарни қуриб битказган бўлса-да, буюртмачи томонидан бажарилган ишлар учун қисман, яъни 59 млн. 746 минг 667 сўм тўлов амалга оширилган ҳолос.

МЧЖ раҳбари қарздорликни тўлаб бериш юзасидан буюртмачи корхонага огоҳлантириш хати киритган бўлса-да, ҳеч қандай натижа чиқмаган. Шундан сўнг қарздорликни ундиришда амалий ёрдам сўраб, Ховос туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Фуқаролик кодексининг 666-моддасига кўра, қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса, пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақи тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилиб, “Ховос таъмирлаш тиклаш” масъулияти чекланган жамияти манфаатида Боёв туманлараро иқтисодий судига “Сирдарё таъмирлаш тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси Ховос филиалидан 78 млн. 920 минг сўм асосий қарз ва 12 млн. 500 минг 928 сўм пеня ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан буюртмачидан пудратчи фойдасига 78 млн. 920 минг сўм асосий қарз ҳамда пеня ундирилиши белгиланди.

**Илҳом АЛИМОВ,**  
Ховос туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

**КОРАҚАЛПОҒИСТОН**

**ҚОНУНИ  
МЕНСИМАГАН  
ҲОКИМ  
ФУҚАРОНИНГ  
АРЗ-ДОДИНИ  
ЭШИТАРМИДИ?**



НУКУС шаҳрида яшовчи фуқаро И.Алламбергеновнинг ўзига тегишли ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган бўлса-да, унга бошқа ер участкаси ажратиб берилмаганлигидан норози бўлиб, “Ишонч телефони” орқали Адлия вазирлигига йўллаган мурожаати Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, И.Алламбергеновга тегишли бўлган турар-жой Нукус шаҳар ҳокимининг 2017 йил 21 апрелдаги қарорига асосан белгиланган норма доирасида ер участкаси ажратиб берилмасдан бузилган.

Ер кодексининг 41-моддасига асосан, жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига

кўра тегишли ҳокимларнинг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер ажратилгач, ерни олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин, ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан, бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан вазирлик томонидан фуқаро И.Алламбергеновга яқка-тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб бериш чораларини кўриш тўғрисида Нукус шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Бироқ ҳокимлик томонидан вазирлик тақдимномасида кўр-

сатилган талаблар ўз вақтида бажарилмади.

Шундан сўнг вазирлик томонидан Нукус шаҳар ҳокимлиги зиммасига И.Алламбергеновга ер участкаси ажратиб бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида Нукус туманлараро маъмурий судига шикоят аризаси киритилиб, ариза суд томонидан қаноатлантирилди.

Тақдимномада кўрсатилган талаблар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари Р.Ибрагимовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198<sup>4</sup>-моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судига маъмурий таклиф киритилди.

**Есенкелди УТЕПОВ,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси Адлия  
вазирлиги масъул ходими

**ФАРҒОНА**

РИШТОН туман адлия бўлимига тадбиркор М.Маҳмудовдан мурожаат келиб тушди. Унда тадбиркор туман ҳокимлиги томонидан бузиб ташланган савдо дўкони учун компенсация пулини 2 йилдан буён ололмаётганлигини билдириб, амалий ёрдам сўраган.

**ДЎКОННИ БУЗИБ,  
КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИНИ  
“УНУТГАН” ҲОКИМЛИК...**



Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилганда аён бўлдики, савдо дўкони бузилмасидан аввал туманнинг “Марказ” маҳалласи, Б.Рошидоний кўчасида, яъни Фарғона ҳалқа автомобиль йўли ёқасида жойлашган. М.Маҳмудова уни 2014 йилда сотиб олган. Шундан сўнг айна бино-иншоотга нисбатан унинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган. Президентимизнинг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Риштон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан берган топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 13 майда туман ҳокимининг 2852-сонли қарори қабул қилинган. Шунга биноан тилга олинган савдо дўкони бузиб ташланган. Фарғона шаҳридаги “Континент имкон баҳо” МЧЖнинг 2019 йил 26 августдаги хулосасига кўра, бино 286 млн. 12 минг 9 сўмга баҳоланган. Аммо туман ҳокимлиги орадан 2 йил ўтса ҳамки, унинг компенсация пулини тўлаб бермаган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Наманган вилоят бўлимининг 2021 йил 7 апрелдаги хулосасига асосан эса, савдо дўконининг 2019 йил август ойи ҳолатидаги бозор баҳоси 298 млн. 759 минг 547 сўмни ташкил этган. Шу боис, туман адлия бўлими томонидан М.Маҳмудовнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суд даъво аризани қаноатлантириб, Риштон туман ҳокимлиги ва Фарғона вилоят ҳокимлигидан юқоридаги қарийб 300 млн. сўмлик маблағни солидар тартибда ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

**Муроджон ҚОДИРАЛИЕВ,**  
Риштон туман адлия бўлими бошлиғи

**СУРХОНДАРЁ**

ШЕРОБОД туманида яшовчи фуқаро Р.Авелбаеванинг ўзига тегишли бўлган савдо дўкони биноси бузилиб, туман ҳокимлиги томонидан компенсация тўловлари тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

**СУД ҲОКИМГА  
МАЖБУРИЯТ ЮКЛАДИ**

Ўрганиш натижалари бўйича Шеробод туман ҳокимлиги томонидан Р.Авелбаевага бузиб ташланган бино учун 50 млн. 383 минг 418 сўм компенсация пули тўлаб берилиши ҳамда бузилган бинони жойлашган ер участкасининг ўрнига ер ажратиб берилиши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Ариза суд томонидан қаноатлантирилиб, Р.Авелбаева фойдасига 50 млн. 383 минг 418 сўм компенсация пули ундириб берилди. Шу билан бирга, туман ҳокимлиги зиммасига Р.Авелбаеванинг бузилган биноси жойлашган ер участкасининг ўрнига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун ер майдони ажратиб бериш мажбурияти юклатилди.

**Сафар АЛЛАНАЗАРОВ,**  
Сурхондарё вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими

**ТОШКЕНТ**



ФУҚАРО Г.Норбекова А.Авлоний номидаги малака ошириш институтида етти ойдан ортиқ ишлаб, 2020 йил ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққан. Иш берувчи томонидан Г.Норбековага Президентимизнинг 2016 йил 27 декабрдаги Қарори 23-бандига асосан ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг 75 фоизи тўлаб берилган холос. Меҳнат кодексининг 286-моддасида эса, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдоридан тўланиши белгиланган.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий

ҳужжат ўзига нисбатан юқори кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Улар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари асосан Олмазор туман адлия бўлими киритган тақдимномага асосан Г.Норбекованинг аризаси қаноатлантирилиб, қўшимча тарзда 2 млн. 404 минг сўм яъни ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси 100 фоиз миқдорда тўлаб берилиши таъминланди.

**Ўрол НОРМУРОДОВ,**  
Олмазор туман адлия бўлими  
етақчи маслаҳатчиси

**САМАРҚАНД**

ФУҚАРО Н.Ҳамроев турмуш ўртоғи С.Ҳамроевани уйига доимий рўйхатга қўйишда қийинчиликка дуч келаётганлигини билдириб, бу борада амалий ёрдам беришни сўраб, Булунғур туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

**ЭСКИ МУАММО  
ҲАЛИ ҲАМ ЭСДАН ЧИҚМАДИ**

Мурожаатни ўрганиш жараёнида Н.Ҳамроев С.Ҳамроева билан турмуш қурганликлари, ушбу никоҳ 2020 йил 2 сентябрда Булунғур туман ФХДЭ бўлимида қайд этилганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари”га асосан никоҳ тузилганлигини қайд этишда никоҳланувчи шахслар ўз хоҳишларига кўра иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия

сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолишлари мумкин.

Никоҳланувчилардан бири эр ёки хотиннинг фамилиясини қабул қилса, у ҳолда паспортини бир ой ичида алмаштириши зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилади ва паспортга бу ҳақда белги қўйилади. Қонунчиликка кўра, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва бошқа зарурий ҳужжатлар туман, шаҳар ички ишлар бўлимининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига тақдим

этилганда уй-жой мулкдорининг розилиги асосида фуқаро мазкур уй-жойда доимий яшаш жойи сифатида рўйхатга олиниши мумкин.

Юқоридаги асосларга кўра туман адлия бўлими саъй-ҳаракати билан Булунғур туман ИИБ ва ФРБ томонидан С.Ҳамроевнинг Булунғур туман “Мингчинор” МФЙ “Тумановул” қишлоғи 35-уйга доимий яшаш жойи сифатида рўйхатга олиниши таъминланди.

**Бахтиёр ҚАҲҲОРОВ,**  
Булунғур туман адлия  
бўлими бош маслаҳатчиси



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



## ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТИЗИМ ВУЖУДГА КЕЛДИ

**ДАВЛАТ** хизматлари агентлиги ташкил этилганидан буюн нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига қулайлик яратиш мақсадида сайёр хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. 2020 йил давомида 54 мингдан зиёд сайёр давлат хизмати кўрсатилди.



Туман ва шаҳар марказларидан олис бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи юртдошларимизга кенг имкониятлар яратиш мақсадида ва аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Мўйноқ тумани марказидан 96 километр узоқликда жойлашган, жами 4 минг 471 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган “Қозоқдарё”, Шўманой тумани марказидан 27 километр узоқликда жойлашган, жами 16 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатадиган “Қарабайли”, Элликқалъа тумани марказидан олисдаги “Сарабий”, Беруний тумани марказидан

анча узоқликда жойлашган Абай ва Тўртқўл тумани марказидан олисда жойлашган “Ёнбошқалъа” овул фуқаролар йиғини ҳудудида мана шундай филиаллар ташкил этилди.

Албатта, бугунги кунда барча соҳалар дунёдаги трендлар билан ҳамнафас бўлиши учун авваламбор рақамлаштириш ишларини амалга ошириш талаб этилади. ФХДЁ соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Рақамлаштириш давлат хизматларини олишни онлайн соддалаштириш демакдир. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат хизмат-

лари агентлиги бошқармаси шаҳар ва туман ФХДЁ бўлимлари архивларида сақланаётган 3 млн. 674 минг 365 дона далолатнома ёзувлари “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига киритилди.

Бугунги кунда ФХДЁ бўлимлари иш фаолияти шу ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда. Электрон ахборот тизимининг яратилиши билан фуқароларнинг туғилганлиги, никоҳни қайд қилиш, никоҳдан ажрашганлик, ўлим, фамилия, исм, ота исмини ўзгартирилганлиги тўғрисида-

ги маълумотлар электрон кўринишга олиб келинди. Тизимдаги бундай ислохотлар натижасида фуқаролар ва уларнинг ота-оналари ҳақидаги маълумотларни келажак авлодга аниқ етказиб бериш имконияти яратилди.

Тизимда олиб борилаётган мана шундай ишлар натижасида халқимиз манфаатига хизмат қиладиган содда, қулай ва энг муҳими, коррупцияга қарши курашувчи тизим вужудга келди.

Давлат хизматлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, шаҳар ва туман давлат хиз-

матлари марказлари томонидан амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар биринчи навбатда аҳоли турмуш шароитларининг яхшиланишига муносиб улушларини кўшишдан, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдан, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъминлашдан иборат.

**Маҳмуд АБДИЖАЛИЕВ,**  
Давлат хизматлари  
агентлиги Қорақалпоғистон  
Республикаси бошқармаси  
бошлиғи



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



## ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИМИЗДАН МАМНУН БЎЛСА — Биз ўз мақсадимизга эришган бўламиз

**ЮРТБОШИМИЗ** янги тизим ҳақида гапирар экан, ривожланган давлатларда бундай тизим аллақачон йўлга қўйилгани, инсон ҳаёти, манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини таъкидлаб, зудлик билан давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ишни мутлақо янгича асосда юртимизда ҳам жорий этиш лозимлигини билдирганди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, соҳага алоқадор норматив ҳужжатлар ижросини таъминлашга Давлат хизматлари агентлиги Андижон вилояти бошқармаси ҳам камарбаста.

Бугунги кунда вилоятимиздаги шаҳар ва туманларда 16 та давлат хизматлари марказлари, Андижон, Жалақудуқ, Пахтабод ва Қўрғонтепа туманларида эса марказларнинг 4 та шохобчаси фаолият юрит-

моқда. 2018 йилнинг бошида марказларда жами 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони қарийб 4 баравар кўп — 156 тага етди.

Натижада хизмат турлари орگانлиги ҳисобига кўрсатилган давлат хизматлари сони ҳам сезиларли даражада кўпайди. Тизим ташкил этилган кундан бугунги кунга қадар марказлар томонидан қарийб 2 млн.га яқин хизматлар кўрсатилди. Шундан бир ярим миллиондан ортиғи шахсан, 250 мингга яқини эса интернет орқали амалга оширилди. Хизматларнинг ортиши

якши. Аммо хизмат кўрсатувчи ташкилот жойлашган бинода миқозлар учун етарли даражада шароит бўлмаса, нафақат миқознинг кайфиятига, балки ходимнинг иш сифати ҳам жиддий таъсир қилиши шубҳасиз. Шу сабабли ҳам сифатли ва ўз вақтида тезкор давлат хизматлари кўрсатишда марказларнинг бинolari инновацион ғоялар асосида энг сўнгги техника жиҳозлари билан таъминланганлиги, барча қулайликларга эга бўлиши муҳим ўрин тутди.

Шу кунга қадар вилоятимизнинг Андижон, Балиқчи, Бўстон, Марҳамат, Олтинқўл,



Шаҳрихон, Улуғнор, Хўжабод туманларида барча шароит ва қулайликларга эга давлат хизматлари марказларининг янги бинolari фойдаланишга топширилди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги шодиёналари арафасида Хонобод шаҳри ҳамда Избоскан туманида ҳам давлат хизматлари марказларининг янги бинolari қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Давлат хизматлари агентлиги давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаф-

фофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни сўзсиз амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Барча юртдошларимизга Истиқлолнинг шонли санаси муборак бўлсин!

**Отабек БОЗАРОВ,**  
Давлат хизматлари  
агентлиги Андижон вилояти  
бошқармаси бошлиғи





БУХОРО ВИЛОЯТИ

## “ДАВЛАТ— ФУҚАРО”

### МУНОСАБАТЛАРИДА ШАФФОФЛИК

**БУГУН мамлакатимизда халқнинг оғирини енгил қилиш, уларга “давлат – фуқаро” муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари сурилаяпти. Бу эса ўз-ўзидан аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имкон беради. Албатта, ҳар бир соҳани ривожлантириш ҳамда янги босқичга олиб чиқишда маълум бир ҳуқуқий асослар талаб қилинади.**

Давлат хизматлари агентлиги ташкил топганидан токи ҳозирги вақтгача жисмоний ва юридик шахсларга янада қулай хизмат кўрсатиш, хизмат олиш жараёнида учраётган бюрократик тўсиқларга батамом барҳам бериш, аҳолининг вақти ва нақдини иқтисод қилишга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўтган даврда Президентимизнинг соҳага оид 10 дан ортиқ Фармон ва қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, мазкур йўналишда 80 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари, 60 дан ортиқ маъмурий регламентлар қабул қилинди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармони билан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматини олишларида бир қанча қулайликлар яратилди.

Мазкур Фармон билан 59 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Биргина мисол, техник лойиҳа ҳужжатларини келишиш хизматини кўрсатиш учун эски тартибда 30 кунлик муддат талаб этиларди. Фармон билан ушбу муддат 15 кунга қисқарти-

рилди. Ёки профессор илмий унвони бўйича давлат намунасидаги дипломни олиш учун авваллари 1 ой вақт кетса, эндиликда бунинг учун 1 иш куни кифоя.

Шунингдек, давлат хизматининг кўрсатилиши учун ундирилган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа тўловлар микдори баъзилари 1 баробар, айримлари эса, 5 баробаргача камайтирилди.

Хулоса қилиб таъкидлаш

лозимки, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ушбу Фармон давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлайди, уларнинг фуқаролар олдидаги масъулияти ва ижро интизомини кучайтиришга хизмат қилади.

**Қайим ХОЛОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Бухоро вилояти бошқармаси  
бошлиғи



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

## ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

**2021 ЙИЛНИНГ ўтган 6 ойида Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилояти бошқармаси ва шаҳар, туман марказлари орқали мурожаатчиларга 188 минг 536 та хизмат тури кўрсатилди. Шундан 163 минг 436 таси давлат хизматлари марказларида, 5 минг 997 таси филиалларда, 5 минг 618 таси сайёр тартибда, 13 минг 485 таси ягона интерактив давлат портали орқали амалга оширилди.**

Кун сайин тизимда турли янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, марказлар орқали талаб қилинадиган 18 хил турдаги ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб бекор қилинди. ФХДЁ соҳасида композит хизматлар йўлга қўйилди. Эндиликда шу тизимда ишламоқчи бўлган тадбиркорлар ўзлари хусусий тарзда фаолият олиб бориши учун имконият яратилди. Яъни, белгиланган қонун-қоида ва талабларга тўла риоя қилган ҳолда “Агент” сифатида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиши мумкин. Бу эса, соғлом рақобат муҳитини шакллантиради.

ФХДЁ тизими ўтган 2020 йилнинг 1 апрелидан ДХА тасарруфига ўтди. Республика-

миз бўйича ФХДЁ бўлимларида сақланаётган қоғоз ҳужжатлар рақамлаштирилди. Вилоятимизда 2 миллиондан ортиқ туғилиш, никоҳ, ажрим, ўлим ҳолатларини қайд этиш бўйича ҳужжатлар ва бошқа қоғоз ҳужжатлар электрон базага киритилди. Бу жисмоний шахснинг шахсий индефикация рақами, яъни ЖШШИР дейилади.

Тизимга киритилган янгиликлардан яна бири бу – бола туғилгандаги “Композит” хизматнинг жорий этилишидир. Туғилганлик гувоҳномаси берилаётганда бир вақтнинг ўзида бола доимий яшаш манзили бўйича турар жойига рўйхатга, мактабгача таълим ташкилотига навбатга ҳам қўйилади. Бундан ташқари, бир марталик

бериладиган нафақа пулига ва поликлиникага рўйхатга қўйиш ҳам шу вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бу фуқаролар учун жуда катта енгиллик бўлди. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олишга келган мурожаатчилардан энди пул талаб қилинмайди, яъни ушбу давлат хизмати бепул кўрсатилади.

Эндиликда ФХДЁ органлари фаолиятида ҳам экстерриториал тамойил ишга тушди. Бу фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахсларнинг почта манзили (жойлашган ери)дан қатъи назар, исталган ҳудуддаги ФХДЁ идораларига мурожаат қилиш имконияти яратилганлигини аналтади.

Нотариал хизматларни


амалга ошириш жараёнида ҳам фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралари томонидан давлат хизматлари агентлиги ёхуд ФХДЁ органларига мурожаат қилмасдан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб этмасдан, “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

Мамлакатимизда, шу жумладан, давлат хизматлари тизимида ҳам Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар замирида аввало инсон манфаати турибди. Вилоят давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳар бир катта-кичик вакили аҳолига

янада енгиллик ва қулайлик яратишни, муаммоларига ечим топишни ўз олдида асосий мақсад қилиб қўйган. Шу залда мустақилликнинг 30 йиллигини кутиб олаяпмиз.

Ҳамиша эл хизматидаимиз. Асосий мақсадимиз эса, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишдан иборатдир. Жамоамиз номидан барча юртдошларимизни шу кутлуғ сана билан чин юракдан муборакбод этмоқчиман. Халқимизга тинчлик-хотиржамлик, саломатлик, хонадонларига файзу барака тилаймиз! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Бобур УМУРЗАКОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Жиззах вилояти бошқармаси  
бошлиғи





## Уч йил мобайнида 36 ТА ХИЗМАТ ТУРИ 170 ТАГА ОРТДИ

**НАВОИЙ вилоятидаги 8 та туман ва шаҳарда давлат хизматлари маркази давлат шерикчилиги асосида қурилган янги биноларда фаолият юритаяпти. Айти кунда, Кармана тумани ва Зарафшон шаҳрида ҳам марказ қурилишлари поёнига етиб қолган. Йил якунига қадар янги ташкил этилган Ҳозғон шаҳрида ҳам мўъжазгина давлат хизматлари маркази барпо этилади.**



Давлат хизматлари марказлари орқали жорий йилнинг 1 август ҳолатига 180 минг 114 та давлат хизмати кўрсатилган. Шундан 4 минг 463 таси сайёр тартибда амалга оширилди. 2 та махсус жиҳозланган мобил офисимиз бири чўл ҳудудларини, бири тоғли манзилларни кезади. Чунки Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота, Хатирчи туманларидаги олис овул ва қишлоқларда яшаётган фуқароларимизнинг йўли узоклиги боис, “Ўзимиз келдик” акцияси билан уларнинг ҳузурига борамиз. Вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳар ойда уч-тўрт мартаба аҳоли учун оммавий сайёр қабуллар ташкил этилади. Ҳар кун бел-

гиланган вақтда “Очиқ эшиклар куни” тадбири бўйича аҳоли ва тадбиркорлар масалаларига ваколат доирасида ечим топилади. Жорий йилда 580 нафар фуқарога ана шу тадбир доирасида давлат хизмати кўрсатилди. 2021 йилнинг 7 ойи мобайнида 2 минг 500 дан ортиқ тадбиркорга юридик корхона очиб берилди. Пандемия шароити бўлишига қарамасдан, 40 тага яқин қўшма корхона ташкил этилиб, чет эллик сармоядорлар ўз бизнесларини Навоийда очишга қарор қилишди. Нуротада мраммарга ишлов бериш, Конимехда қорақўл тери ва пахта хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқариш, Хатирчида узумчилик

ва сабзавотчилик, Қизилтепада гилам ва каштадўзлик билан шуғулланиш учун фабрика ва заводлар очаетган хорижлик ҳамкорларга давлат хизматлари марказларида яшил йўлак тамойилида сифатли давлат хизмати кўрсатилаётгани тизим мавқеи юқорилигини билдиради. Энг муҳими, соҳага кундан-кунга янги хизмат турлари қўшиляпти. 3 йил мобайнида 36 та хизмат тури 170 тага ортиди. Кўрсатилаётган хизматлар сифати алоҳида эътиборда. Давлат хизматини кўрсатишдаги регламент қоидаларини бузган ташкилот ва идораларга маъмурий чоралар қўлланилмоқда. Ўтган вақт мобайнида

бошқарма масъуллари ва марказ ходимлари томонидан етказилган тезкор хабарлар натижасида 3 минг 329 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Бундан ташқари, 10 та давлат ташкилотида ўрганишлар ўтказилди. Натижада 17 та тақдимнома киритилди. 60 ҳолатда жавобгар шахслар маъмурий жаримага тортилди, 62 ҳолатда бошқарма томонидан тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомалари тузилди. 6 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилди, бир нафарининг меҳнат шартномаси бекор қилинди. Тизимдаги янгиланишлар, юксалишлар, албатта, истиқлол

шарофатидир. Ҳали насиб этса, 300 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатадиган Европа давлатларидаги марказлар даражасига етамиз. Мустақиллигимизнинг бугунги бетакрор саҳифалари барчамизга муборак бўлсин! Фуқароларнинг оғирини енгил қилишдек катта ишга бел боғлаган давлат хизматлари марказлари ходимлари ҳамisha халқ билан бирга эканлигидан мамнун!

**Бехзод САФАРОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Навоий вилояти бошқармаси  
бошлиғи



## ЯНГИ ТИЗИМ ЎЗИНИ ҚАНЧАЛИК ОҚЛАМОҚДА?

**ДАВЛАТ хизматлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан шу йилнинг ўтган етти ойи давомида жисмоний ва юридик шахсларга жами 435 мингдан ортиқ турли йўналишларда давлат хизматлари кўрсатилган бўлиб, шулардан 388 минг 980 таси ДХМ орқали, 15 минг 450 таси интернет орқали бажарилди. Тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган 19 минг 600 та кўмак натижасида ўртача 8 минг 500 та иш ўрни ташкил этилди.**



Авваллари фуқаролар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун бир қанча идоралар эшиги олдида сарсон бўларди. Ҳозирга келиб, биргина шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти орқали нари борса 30 дақиқада давлат рўйхатидан ўтиб, бир вақтнинг ўзида исталган банкдан ҳисоб рақам очиш имкониятига эга бўлмоқда. Мазкур янги тизим орқали давлат хизматлари жорий этила бошланганидан буён бугунги кунга қадар аҳолидан талаб этилган 200 га яқин

ҳужжат 86 тага, хизмат кўрсатиш муддати эса, 499 кундан 271 кунга қисқартирилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳанузгача айрим турдаги ҳужжатларнинг давлат идоралари томонидан талаб қилиниши фуқароларнинг ортиқча сарф-харажатлари, вақти ва оворагарчиликларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2020 йилда руҳий ва наркологик касалликлар ҳақида 500 мингдан ортиқ маълумотномалар берилган, бунинг учун аҳолининг 2,5 млрд. сўм маблағи сарфланган. 2021 йил 1 июндан

бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан руҳий, наркологик касалликларга доир, судланганлик, солиқ қарзи, тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияларининг маълумотномалари, кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхалари каби бир қанча ҳужжатларнинг талаб қилинишига чек қўйилди. Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний

шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда қайд этилган ҳужжат ва маълумотларни масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан, “Электрон ҳуқумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади. Мазкур ҳужжатларни фуқаролар томонидан сўраб олишни бекор қилиш орқали қарийб 20 миллиард сўм пул маблағи бевосита фуқаролар-

нинг ўзида қолишига эришилади. Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан ташкил этилган тизим фуқароларнинг мурожаатлари тез ва сифатли ҳал этилишида асосий кўмакчи вазифасини ўтамоқда. Албатта, келгусида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш бўйича тизимли ишлар доимий давом эттирилади.

**Давронбек РАВШАНБЕКОВ,**  
Давлат хизматлари  
агентлиги Наманган вилояти  
бошқармаси бошлиғи

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Д О В Л А Т  
Х И З М А Т Л А Р И  
А Г Е Н Т Л И Г И

# 49 та бепул давлат хизматлари кўрсатилмоқда

**МУСТАҚИЛЛИК** йилларида халқни бугуни ва эртасидан рози қилишдек буюк мақсад йўлида амалга оширилган улкан ислохотларга барчамиз гувоҳимиз.

Узоққа бормаймиз, 2017 йил 12 декабрда Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши мазкур ислохотларнинг марказида инсон тақдири, унинг ҳуқуқлари турганлигини кўрсатади.

Хусусан, 70 дан ортиқ хизматлар тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, янада соддалаштирилди. Талаб этиладиган ҳужжатлар сони 221 тадан 95 тага, хизмат кўрсатишнинг умумий муддати қарийб 499 кундан 271 кунга қисқартирилди. Давлат хизматларидан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан

ортиқча тўланган тўловларнинг соддалаштирилган тартибда қайтарилиши, шунингдек, 49 та бепул давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Сўнгги пайтларда жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини олишда бир қатор қулайликлар яратилди. Масалан, хизматлардан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Сиз уйда ё ишда, бирор юмуш билан кўча-кўйда бўласизми, бемалол смартфонингиз ёрдамида зарур хизматни онлайн тарзда олиш имконига эгасиз.

Маълумки, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 253 турдаги хизматлар кўрсатилаётган бўлса, жорий йилда уларни яна 60 тага кўпайтириш, 50 дан ортиқ хизматларни соддалаштириш кўзда тутилган. Ҳатто, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун ҳам масофадан туриб [my.gov.uz](http://my.gov.uz) сайтига кириш ва керакли пунктни танлаш кифоя.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Самарқандда 16 та ДХМ, 1 та Никоҳ уйи, 1 та ФХДЁ архиви ва 22 та ФХДЁ бўлимлари, 8 та давлат хизматлари марказ-

лари филиаллари халқ хизматида. Тўйга-тўёна деганларидек, Пайарик тумани марказидан 30 километр, Пахтачи туманидан 40-45 километр узоқликда жойлашган ҳудудларда давлат хизматлари марказларининг янги филиаллари Мустиқиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Байрам кунлари турли мурожаат билан келаётган фуқароларга байрам кайфияти улашиш, мустиқиллик неъматлари билан яна бир бор таништириш мақсадида вилоятдаги давлат хизматлари марказлари ва

ФХДЁ бўлимларида мустиқиллик бурчаклари ташкил этилиб, улар миллий мустиқилликни ўзида мужассам этган экспонатлар билан бойитилди.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол шарофати билан юртдошларимиз шундай дорил-омон кунларга шукрона айтиб, хизматларимизни бир жойдан олиш, қулай, шаффоф ва сифатли давлат хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

**Мақсуд ҚУРБОНОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Самарқанд вилояти  
бошқармаси бошлиғи

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Д О В Л А Т  
Х И З М А Т Л А Р И  
А Г Е Н Т Л И Г И

# ҚУЛАЙЛИКЛАР ОРТИБ, ФУҚАРОЛАРГА ЕНГИЛЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

ДАВЛАТ хизматлари агентлиги ташкил этилганига бу йил 4 йил тўлади. Мана, тўрт йилдирки, халқимиз оғирини енгил, узоғини яқин қилиш йўлида фаолият юритаётган Давлат хизматлари марказларида 157 турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Аҳолига яқинроқ бўлиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада яхшилаш учун марказдан олиш ҳудудларда филиаллар фаолияти йўлга қўйилган. Сирдарё вилоятида айни кунда давлат хизматлари марказларининг 6 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Боёвут туманининг "Истиқлол" ва "Ҳосилобод", Мирзаобод туманининг "Баҳористон", Сардоба туманининг "Работ", Ховос туманининг "Қаҳрамон", Гулистон туманининг "Теракзор" маҳаллаларида ҳамда Бахт шаҳарчасида Бахт филиаллари ишлаб турибди. Филиалларнинг иш вақти ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача этиб белгиланган.

Бироқ Бахт филиали бошқа филиаллардан фарқли равишда ҳафтанинг 6 кунини давомидида тўлиқ фаолият кўрсатади. Буни Сирдарё вилоятининг ўзига хос тажрибаси дейиш мумкин. Чунки республика бўйича ҳали бирорта ҳудудда 6 кун фаолият кўрсатадиган филиал йўқ.

ФХДЁ органлари — ҳар бир инсон ҳаётидаги энг муҳим ҳужжатларни тақдим этувчи, қувончли ва қайғули онларда хизмат қилувчи идора ҳисобланади. 2020 йилнинг 1 апрелидан мазкур ташкилот Давлат хизматлари агентлиги тасарруфига ўтди ва ўтган давр мобайнида туғилиш, никоҳ, ажрим, ўлим каби фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасида ҳам бир қатор қулайликлар яратилди. Илгари 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш фақат суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилар эди. Энди эса, тегишли тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан

бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

Халқимиз учун қизиқarli бўлган янгиликлардан яна бири шуки, энди ФХДЁ бўлимларида туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни беришда пул ундирилмайди. Шунингдек, фарзанд туғилганлигини расмийлаштириш учун ФХДЁ органларида композит (бирлаштирилган) хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилганлиги ҳам навбатдаги қулайликдир. Бугунги кунга келиб, туғилишни қайд этиш, болани поликлиникада рўйхатга қўйиш, турар жойи бўйича ҳисобга олиш, бир марталик нафақа пулини тайинлаш ҳамда давлат мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш хизматлари бир вақтнинг ўзида амалга оширилмоқда.

Композит давлат хизматлари кўрсатилишининг йўлга қўйилиши билан 15 дан ортиқ ҳужжат қисқариб, 4 та идорага боришга чек қўйилди. Бу эса, албатта, халқимиз учун қулай-

лик яратиш баробарида турли овозгарчиликларнинг ҳам олдини олмақда.

Давлат хизматлари агентлиги Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан тизимда коррупцияга қарши кураш бўйича мунтазам равишда профилактик суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Барча ходимларга ўз хизмат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ва кадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ, касб этика қоидаларига риоя қилиши, камтар, хушмуомала бўлиши, тизим ходимлари нуфузига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, ўз хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига пул, моддий бойлик ва мулкий аҳамиятга эга хизматлар ёки бошқа кўринишда ҳақ олмаслиги, ўз хизмат мавқеидан ўзи, қариндошлари ва бошқа шахслар учун бирон-бир манфаат мақсадида фойдаланмаслиги уқтириб келинмоқда.

Бошқарма масъул ходимлари томонидан жорий йилнинг август ойига қадар 6 мартаба "Сирли мижоз" ва 7 мартаба "Рейд" тадбирлари ўтказилиб, 71 нафар ходим билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Тадбирлар давомидида белгиланган талабларга риоя қилмаган 3 нафар ходимга оғоҳлантирилди, 1 нафар ходимга "ҳайфсан" интизомий жазоси берилди, 2 нафар ходимнинг меҳнат шартномаси бекор қилинди, 1 нафар ходимнинг лавозими пасайтирилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, давлат хизматлари маркази ва ФХДЁ бўлимларига келган ҳар бир фуқаронинг кўнгилга йўл топиш тизим ходимларининг асосий мақсадига айланган. Зеро, бош мақсад одамларни рози қилишдир.

**Бекзод АРТИКОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Сирдарё вилояти бошқармаси  
бошлиғи





СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Одамлар ва давлат идоралари ўртасидаги масофа яқинлашмоқда



АЙНИ пайтда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 200 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бораётгани давлат хизматларига бўлган талабнинг ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Буни давлат хизматларини кўрсатиш кўлами ҳам тасдиқламоқда.

Хусусан, 2020 йилда туман аҳлига 50 мингга яқин давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида бу кўрсаткич 28 мингга етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ло-

зимки, туман давлат хизматлари марказининг янги, қулай ва шинам биноси, унда фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилаётгани, айниқса, ушбу жараённинг электрон навбат орқали очик ва шаффоф тарзда амалга оширилаётгани ташриф буюрувчиларга манзур бўлмоқда. Энг муҳими, одамлар ва давлат идоралари ўртасидаги масофа яқинлашмоқда. Илгари бир варақ қоғоз ёки имзо учун вақтини, нақдини сарфлаб, вилоят марказига шошган ҳамюртларимиз энди ана шундай замонавий масканда осон ва тезкорлик билан

ишларини битириш имконига эга бўлишди.

Шўрчи тумани — Европа Иттифоқи, Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳаси доирасида синов ҳудудлари сифатида танлаб олинган 7 та ҳудуддан биридир. Лойиҳа доирасида туман давлат хизматлари маркази биносининг ички қисми тўлиқ янгидан,

қолаверса, замонавий ахборот-коммуникация технология ва ускуналари билан жиҳозланган.

Бугунгача вилоятнинг Термиз шаҳри, Узун, Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Шеробод, Қумқўрғон, Бойсун ва Денов туманларида давлат хизматлари марказларининг замонавий бинолари халқимизга фойдаланишга топширилган бўлса, Шўрчи туманининг барча қулайликларга эга давлат хизматлари маркази туман аҳлига муносиб туҳфа бўлди. Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида барпо

этилган ушбу марказ аҳолининг барча қатламларига, жумладан, ёш болали аёллар, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар ва қарияларга мўлжалланган. Бу ҳам бўлса Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоянинг яққол намоёнидир.

**Абдумўмин РАҲМОНОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Сурхондарё вилояти  
бошқармаси бошлиғи



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

# ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНМОҚДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА** аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими тубдан ислоҳ қилиниши давлат хизматлари кўрсатилишида очиклик, тезкорлик ва шаффофликни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ортиқча вақт йўқотишини олдини олишга хизмат қилиши билан бир қаторда, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга ҳам барҳам бермоқда.



Марказларимизда аҳоли учун қулай шарт-шароит, имконият яратиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда вилоятимизда 22 та давлат хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, айтилган кунгача 15 та марказ биноси замонавий кўринишда қурилган ва унда фуқаролар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Йил якунигача қолган бинолар ҳам аҳоли хизматига топширилади.

Марказларимиз томонидан 2017 йилда 16 минг 785 та, 2018 йилда 416 минг 194 та, 2019 йилда эса, 1 миллионга яқин давлат хизматлари кўрсатилди. 2020 йилда кўрсатилган хизматлар сони 735 мингдан ошиб кетди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида жисмоний ва юридик шахсларга 494 минг 627 та, шундан вилоятнинг олис, чекка

ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг давлат хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида 3 мингдан ортиқ сайёр давлат хизматлари кўрсатилди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 24 июль куни Президентимизнинг “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида юридик ва жисмоний шахсларга бир қатор қулайликлар ва енгилликлар яратилди.

Хусусан, Фармон билан 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек,

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилиши белгиланди.

2021 йил 1 декабрдан бошлаб чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, хорижий жисмоний ва юридик шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга электрон рақамли имзо калити сертификатларини Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан бериш орқали электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш давлат хизматлари марказлари орқали ҳам амалга оширилиши белгиланди.

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари томонидан аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан 15 турдаги маълумотларни ва ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади.

Албатта, одамларнинг мушқулини осон қиладиган, замонавий

технологияларга асосланган бу тизим халқимизга катта қулайлик яратмоқда. Буларнинг бари аҳолимиз учун хизмат қилиш билан бирга, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширади. Соҳада энг сўнгги ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши қоғоз ҳужжатлар айланмасининг камайишига, фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлмаслигига ва навбатларнинг кескин камайишига, энг муҳими эса, коррупция ва бюрократия ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бундай идораларда энди фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланмоқда.

**Илхомжон АБДУСАТТОРОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Тошкент вилояти бошқармаси  
бошлиғи



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Д О В Л А Т  
Х и з м а т л а р и  
А г е н т л и г и

# ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРГА ЗАМИН яратади

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ** 2021 йил 24 июлда қабул қилинган “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Фармонда кўзда тутилган вазифалар натижасида давлат хизматларини кўрсатиш имкониятлари янада кенгайтирилади, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қулайлик ва енгилликлар яратилади.

Фармонга асосан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни жадаллаштириш, давлат хизматлари сифатли кўрсатилишини таъминлаш, турли тоифадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини рақамлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш мақсадида 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб бир қатор янги тартиблар ўрнатилди. Жумладан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари ва ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади. Давлат хизмат-

лари марказлари, “Лицензия” ахборот тизими ҳамда ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатидан 3 иш кунидан ортиқ вақтга кечиктирилганда, ариза берувчиларнинг мурожаатларига асосан, хизматдан фойдаланиш учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизи уларга 1 иш кунидан қайтарилади.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан айрим давлат хизматларини кўрсатишда ундирилган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа тўловлар миқдорлари камайтирилиши белгиланди.

Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада содаллаштириш, муддатларини, талаб қилинадиган ҳужжатларини қисқартириш ҳамда рақам-

лаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Шу йил 1 декабрга қадар 2022–2026 йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш миллий стратегияси ишлаб чиқилади. Бу эса, соҳадаги ишларни жадаллаштириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Яна муҳим янгилеклардан бири 2021 йил 1 ноябрга қадар электрон кўрсатиладиган хизматлар улушини ошириш ҳамда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг (OneID) янги талқини ҳамда унинг мобиль иловаси ишлаб чиқилади.

Соҳадаги ислохотлар самараси ҳар қадамда сезилмоқда. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида пойтахт давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига

жами 554 минг 702 та давлат хизматлари кўрсатилди. Шундан 524 минг 57 таси, яъни 94,48 фоизи шахсан ўзи, 30 минг 645 таси — 5,52 фоизи интернет орқали келиб тушган мурожаатлардан иборат.

Тизимда ютуқлар билан бир қаторда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ҳам мавжуд. Қолаверса, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматлари кўрсатилиши соҳасида қилган мурожаатлари ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиши тизимли равишда dxa.gov.uz тизими орқали мониторинг тартибидан ҳамда келиб тушган электрон махсус хабарлар ёрдамида ўрганиб чиқилмоқда.


Ўрганишлар натижасига кўра, жорий йилнинг 1 июль ҳолати-

га кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қилган мурожаатларини кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан жами 4 минг 541 та қонун бузилиши ҳолатлари га йўл қўйилганлиги аниқланган.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ваколатли органларга жами 215 та таъсир чоралари қўлланилиб, 28 та тақдимнома, 82 та огоҳнома киритилиши билан бир қаторда 105 та маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан қарорлар қабул қилинган.

Шаффофликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимни ривожлантиришга замин яратади.

**Санжар АБДУЛЛАЕВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
бошлиғи



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Д О В Л А Т  
Х и з м а т л а р и  
А г е н т л и г и

# ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ ҚАЙСИ ТАШКИЛОТДА КўПРОК УЧРАМОҚДА?

**ФАРҒОНА** вилоятида жорий йилнинг якунланаётган 8 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахсларга 639 минг 223 та давлат хизматлари кўрсатилди. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткичдир. Хусусан, 13 минг 999 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди, 4 минг 704 та якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти тикланди. Шунингдек, қисқа муддатда 28 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шуни эътироф этиш лозими, иш самарадорлигимизнинг ошишида Президентимизнинг 2021 йил 23 мартда имзоланган “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шартлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга кўра, 2021 йилнинг 1 июнидан бошлаб 18 турдаги маълумот ҳамда ҳужжатларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиб олиш тартиби бекор қилинди. Эндиликда жисмоний шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш,

ишга қабул қилиш жараёни ва бошқа маъмурий тартиб-тамоилларни амалга оширишда ўн бир турдаги ҳужжат ҳамда маълумотларни масъул давлат органлари, ташкилотлардан мустақил равишда, “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олиниши керак.

Давлат хизматлари агентлиги томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ташкилотлар кесимида таҳлил қилинганда, ички ишлар, мудофаа, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш идоралари,

ҳокимликлар, тижорат банклари, хусусий ташкилот ҳамда элчихоналар, ер ресурслари ва давлат кадастри, газ, электр энергия ва бошқа коммунал хизмат кўрсатувчи идораларда фуқаролардан ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш сингари гайриқонуний хатти-ҳаракатлар ошкор бўлган. Булар эса асосан юқори турувчи ташкилотларнинг электрон ҳамкорлик тизимлари тўлиқ рақамлаштирилмагани ва идоралараро интеграциялашув ишга тушмаганлиги туфайли юз берган. Шу боис, Давлат хизматлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 21 та

тақдимнома, 215 та огоҳлантириш хати киритилиб, 125 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, ортда қолаётган 8 ой мобайнида бошқармаимизга жисмоний ва юридик шахслардан 309 та мурожаат келиб тушди. Президент виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 252 та мурожаатдан 71 таси қаноатлантирилди, 163 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди. Туман, шаҳар ФХДБ бўлимлари томонидан эса 43 минг 769 та туғилганлик қайд этилди, оталикни белгилаш бўйича 2 минг 897 та ҳаракат амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, Дав-

лат хизматлари агентлигининг асосий вазифаси фуқаролар ва тадбиркорларнинг юмушларини осон ҳал этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Зеро, тизимда ҳар бир фуқарога коррупциясиз, тез ва шаффоф хизмат кўрсатиш, юртдошларимизга давлат билан бўладиган ҳар қандай масала ва муносабатларини уйда ўтирган ҳолда замонавий технологиялар орқали ҳал этиш имконини яратиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

**Раъно БОЙҚЎЗИЕВА,**  
Давлат хизматлари агентлиги  
Фарғона вилояти бошқармаси  
бошлиғи





## Давлат хизматлари маркази — аҳоли энг кўп ташриф буюрувчи маскан

**ПОЙДЕВОРИ** мустақкам иморатнинг умри узун бўлади. Ўтган 4 йил мобайнида юртимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг айнан шундай мустақкам, пухта-пишиқ, кўркам ва чиройли “иморати” барпо қилинди. Тизим учун яратилган замонавий имкониятлар — электрон жиҳозлар, алоқа, ахборот алмашиш воситалари, мобил ва кўчма шохобчалар халқимизга муносиб тарзда, юқори савияда давлат хизматларини кўрсатиш имконини бермоқда.



Биргина Хоразм вилоятининг ўзида давлат хизмати марказлари учун 13 та янги, замонавий бинолар қуриб, фойдаланишга топширилди. Жойларда ушбу марказларнинг 11 та филиали ўз фаолиятини бошлади. Бошқача айтганда, аҳоли давлат хизматлари марказлари томон эмас, балки ушбу марказларнинг ўзи фуқаролар томон қадам ташлади. Тезкор, қулай, шаффоф давлат хизматлари аҳолининг тизимга бўлган ишончини оширди.

2021 йилнинг дастлабки ярми тизимнинг вилоят, шаҳар ва туман бўғинлари учун анча сермахсул давр бўлди. Аҳолига жами 346 минг 958 та давлат хизматлари кўрсатилди. Йилнинг ўтган даврида жами 8 мингдан

зиёд тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилгани, уларнинг 7 мингдан кўпроғини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этгани вилоят ижтимоий-иқтисодий равнақида ҳам муҳим босқични бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирда давлат хизматлари марказлари аҳоли энг кўп ташриф буюрувчи масканлардан бирига айлангани ҳаммага аён. Шунинг назарда туган ҳолда иш сифати ва самарадорлигини ошириш, маълумотларни бир жойга жамлаш, тизимга қарашли бошқа муассасалар, жумладан, ФХДБ бўлимлари фаолиятини бошқарма қошида шакллантирилган “Ситуация маркази” орқали ўрганиш, таҳлил ва монито-

ринг қилиш иши йўлга қўйилди.

Тизим ходимларининг касбий ва маънавий салоҳиятини баҳоловчи очиқ ва ошқора танлов тизими жорий этилган. Салоҳиятли, ҳар томонлама билимли, иқтидорли кадрларни танлаш бир неча босқичда, очиқ, шаффоф ва холисона тарзда, адолат тамойиллари асосида амалга оширилади. Яқинда ана шундай танлов бўлиб ўтди. Тизимда ишловчиларни кутаётган юқори маош, қулай шарт-шароит, юксак маданий-маънавий муҳит, намунали хизмат кўрсатиш талабгорлар сони кескин ортишига сабаб бўлди. Ҳар бир иш ўрни учун суҳбатга келганлар сони салкам 20 кишига етди. Танлов барчанинг кўз ўнгиде, кенг жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот

воситалари вакиллари иштирокида ўтди. Ташриф буюрганлар танловнинг боришини махсус мониторинг орқали кузатиб боришди. Йиғилганлар муносиб номзодлар ишга олинганини эътироф этишди.

Шу ўринда давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сони 157 тага етгани тизим учун кифоэ эмаслигини таъкидлаш ўринли. Бу соҳада кўрсатиладиган хизматлар сонини яқин давр ичида 300 га етказиш режалаштирилмоқда. Бу эса, бизнинг ишга масъулиятимизни янада оширади, албатта.

Айни пайтда давлат хизматлари кўрсатиш марказларининг жойлардаги 11 та филиали вилоятнинг катта ҳудудини

камраб олиши осон кечмайди, албатта. Онлайн хизмат тизими бу муаммога ечим бўла олади. Шу мақсадда давлат хизматлари кўрсатиш марказлари қошида “Волонтерлар клуби” ташкил қилинди. Унинг фаолияти самарали кечиши, барчага бирдай наф келтиришига шубҳа йўқ.

Шунинг ўзи тизимни катта истиқболлар кутаётгани, соҳа жаҳон андозалари томон дадил одимлаётгани, халқимизни давлатимизнинг беминнат хизматидан тўла ва узлуксиз баҳраманд этиш йўллари янада кенг ва раван очилганидан дарак беради.

**Нодирбек ЖУМАНИЁЗОВ,**  
Давлат хизматлари агентлигининг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи



## Аҳолига қулайлик яратишда давом этамиз

**АЙНИ** пайтда мамлакатимизда туман, шаҳар давлат хизматлари марказлари орқали нафақат тадбиркорларга, балки аҳолига ҳам энг зарур ва талаб юқори бўлган давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона тармоғи яратилган.



Бугунги кунда кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 157 тага етиб, марказларга мурожаат этувчилар кунига 600 нафардан 2,5 минггача ортган. Биргина, Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида вилоятдаги 15 та давлат хизматлари марказлари, 21 та давлат хизматлари филиаллари ва ЯИДХП орқали 787 минг 80 та давлат хизматлари кўрсатилган. Шу билан бирга, бошқарма миз томонидан ташкил этилаётган семинар машғулотлари ва давра суҳбатлари орқали давлат хизматларидан онлайн тарзда фойдаланишнинг афзалликлари кенг жамоатчиликка тушунтириб борилмоқда. Айтилик, илгари фуқаролар ўзларига тегишли, қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга

қабул қилиш ҳамда ушбу мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат хизматлари марказларига алоҳида-алоҳида ариза билан мурожаат қилишарди. Сўнг 2 маротаба тўловни амалга ошириб, натижасини 11 иш кунидан ортиқ вақт мобайнида кутишга мажбур эдилар. Бу ҳолат эса, фуқароларнинг ортиқча оворагарчилиги, сарсонлиги ҳамда ортиқча вақт сарфлаб, қўшимча харажат қилишларига олиб келарди. Энди бўлса, тегишли ҳукумат қарори асосида қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари бир вақтда, битта ариза бериш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги

“Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда молия-ҳужалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан яна бир композит хизмат жорий этилди. Ушбу композит (туркум) давлат хизматлари фуқароларнинг вақтини тежаш билан биргаликда, Жаҳон банкининг “Doing Business” рейтингда Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасидаги рейтингини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шунингдек, жорий йил бошидан буён бошқарма ихтиёридаги 15 та “Дамас” русумли автомо-

бил ва 2 та “ИСУЗУ” русумли автобуслар ёрдамида вилоятимизнинг олис ва тоғли ҳудудлари аҳолисига 5 минг 300 дан ортиқ сайёр давлат хизматлари кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2021 йил 24 июлда қабул қилинган “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2022 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг идентификация ИД-картасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмий-

лаштириш ва беришни давлат хизматлари марказлари орқали амалга ошириш белгиланган. Шу боис, мазкур янги хизматни йўлга қўйиш мақсадида Қашқадарё вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси билан марказ ходимларини ўқитиш ва амалиёт ўташи юзасидан ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бунинг учун эса, ҳар бир марказдан 2 нафардан ходим танлаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман, шаҳар давлат хизматлари марказлари соҳада янада кўпроқ қулайлик яратишда давом этаверади!

**Муроджон ЭШНАЗАРОВ,**  
Давлат хизматлари агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи

# УМР ЙЎЛИ ЁРУҒ УСТОЗ



**МАМЛАКАТИМИЗДА миллий ҳуқуқ соҳаси, хусусан, экология ва қишлоқ хўжалик ҳамда табиий ресурслар ҳуқуқининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаятган етук ҳуқуқшунос олим Узоқ Бозоров 80 ёшга тўлди.**

“**ҲАҚИҚИЙ**  
олимпик, ҳақиқий  
ижодкорлик — бу игна  
билан қудуқ қазишдек  
машаққатли иш.  
Буни билган одам  
билади, билмаган билиб  
олиши зарур.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Устоз билан 1976 йилда Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 1-курс талабаси бўлган пайтимда учрашганман. Танишув давомида Узоқ аканинг машаққатли умри, сабру бардоши, илмий-ҳаётий ва педагогик тажрибасига ҳавас қилганман.

Биз — шогирдлари, ҳамкасблари устознинг ютуқларидан ҳамиша фахрланамиз. Юридик фанлари номзоди бўлган кадрли устозимизнинг шогирдлар тайёрлашдаги фаолияти ва фанга қўшган ҳиссалари инobatта олинди, 2003 йилда “Шуҳрат” медали, 2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил” эсдалик нишони билан мукофотланди. 2011 йилда эса, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони билан тақдирланди. Бизлар умр йўлига ҳавас қиладиган бебаҳо, камтарин устозимиз тажрибали ҳуқуқшунос олим сифатида алоҳида ҳурматга лойиқ.

Шу кунгача устознинг 100 дан ортиқ илмий мақолалари халқаро нашрларда ва республика матбуотида чоп этилган. Ҳуқуқшунослик соҳасида таълим-тарбияни ривожлантириш буйича 5 та ўқув кўлланма, 2 та монография, 20 та услубий кўлланма, 50 дан ортиқ илмий-услубий мақолалари хориж матбуотида нашр қилинган. У киши кўплаб халқаро анжуманларда маърузалари билан иштирок этиб келади.

Узоқ ака сермазмун педа-

голик фаолиятида ўзига хос мактаб яратган. Оддий қишлоқда туғилиб-ўсган йигит илм-фан чўққиларини забот этиб, Москва, Тошкентда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб, таниқли фан дарғаларининг назарига тушди. Ҳуқуқшунос олим бугунги кунда ҳам илмий ишларини давом эттириб, устоз-шогирд аънанасига амал қилмоқда.

Устознинг саъй-ҳаракатлари ва бевосита тавсияси билан мамлакатимизда илк бора “Ер ҳуқуқи”, “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи”, “Экология ҳуқуқи”, “Сув ҳуқуқи” ва “Ўрмон ҳуқуқи” каби дарсликлар яратилди. Бу эса, ёш ҳуқуқшунослар учун керакли совға бўлди.

Унинг инсоний фазилатлари, ҳалол меҳнати, фидойилиги, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашиши сабаб фақат яхши сўзлар битилди. Қаршидаги мактабни тамомлаган У.Бозоров 1959 йилда Темир йўл билим юртининг талабаси бўлди. 1961 йилда билим юртини тамомлаб, Тошкент темир йўл қурилиш трестида 2-даражада уста бўлиб иш бошлади. Шу йили ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматдан қайтгач, 1969 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади.

Дастлаб ҳуқуқ соҳасида Қарши шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси сифатида иш бошлаган Узоқ Бозоров 1969-1971 йилларда Фанлар Академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ

институтда Колхоз ва ер ҳуқуқи муаммолари бўлимнинг кичик мутахассиси, 1971-1974 йилларда Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг аспиранти бўлди. 1974-1975 йилларда Фалсафа ва ҳуқуқ институти Колхоз, ер, сув ҳуқуқи ва табиат муҳофазаси муаммолари секторининг илмий ходими бўлиб ишлади. 1975-1978 йилларда Тошкент давлат университетига ишга кирди. Олийгоҳнинг Давлат ҳуқуқи ва қурилиши кафедрасида катта ўқитувчи, 1978-1979 йилларда эса, Колхоз ва ер ҳуқуқи кафедрасининг доценти бўлиб ишлади. Тажрибали устоз ушбу йўналишдаги мақолалари, ўқув кўлланмалари билан ҳуқуқшунос олимлар назарига тушди. 1979-1981 йилларда Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг кундузги бўлим декани муовини, 1981-1985 йилларда факультетнинг кечки бўлим декани муовини, 1985-1994 йиллар ораллигида эса, Колхоз ва ер ҳуқуқи, шунингдек, Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедраларининг мудирини лавозимини бажарди.

1995-1997 йилларда Тошкент Давлат юридик институти Давлат қурилиш ва бошқаруви факультетининг декани, Экология ва қишлоқ хўжалиги кафедрасининг доценти бўлди. 1999-2000 йилларда эса, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг директори лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Узоқ Бозоров 2000-2017

йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимида ишлади.

Устознинг педагогик фаолияти давомида эришган ютуқлари шогирдлари ҳаётида яққол кўзга ташланади. Малакали мутахассисларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган устоз шогирдларининг кўпчилиги билан фахрланса арзийди. Улар устознинг изидан бориб турли идораларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Ана шу жиҳатдан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” Узоқ Бозоровни чин зиёли инсон десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Зукко, билимдон, камтарин, шогирдларга доим бағри кенг устозни нафақат илм аҳли, балки ҳуқуқни амалиётда қўлловчи мутахассислар ҳам юксак даражада кадрларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Узоқ йиллик самарали меҳнати устозни шу даражага олиб чиқди, албатта.

Ҳар бир инсоннинг ўзига ҳослиги бўлади. Меҳнатсеварлиги, донишмандлиги, камтаринлиги, теран фикри, узоқни кўра билиши, меҳрибонлиги, ўз ўрнида талабчанлиги, принципиал раҳбар сифатидаги фазилатларини ҳам устознинг ютуғи дейиш мумкин. Табиатан у киши билан бўладиган ҳар бир суҳбат мазмунли кечади. Устоздаги меҳр-оқибат, инсонпарварлик, теран фикрлар ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, тажрибали педагогнинг беназир инсоний

фазилатларига бу инсон билан бир бора суҳбатлашган одам ҳам тезда иқдор бўлади. Ўзининг хушфезллиги, ҳазил-мутойибани хуш кўриши, инсонларга меҳр кўзи билан қараши билан барчанинг ҳурматини бирдек қозона олади. Бундай инсонлар ҳаётда жуда кам.

Эътиборли ва ҳавас қиладиган томони шундаки, устоз нафақатда бўлсалар-да, бугун шогирдлар билан бирга. Мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини ёшларга ўргатиб, уларни бугунги замон талаблари даражасида юксак билимли, ўз касбига масъулиятли ҳуқуқшунос қилиб тарбиялашда бор билими, бор меҳрини бериб келмоқда.

Моҳир педагогнинг бахтиёр оиласига ҳам шогирдлари ҳавас қилишади. Садоқати, меҳру оқибати, инсоний фазилатлари билан ўзига муносиб издошлар тайёрлаётган устоз оилада ҳам эл корига ярайдиган фарзандларни тарбиялаб, невараче-вараларга ҳам ҳаёт сабоғини ўргатмоқда.

80 ёшни хотиржамлик, бахтиёрлик билан қарши олаётган устозга ҳамкасблар, шогирдлар номидан узоқ умр, саломатлик, куч-қувват ва ҳамиша эъзозда бўлиш бахтини тилаймиз!

**Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,**  
**Термиз давлат университети**  
**Юридик факультети декани,**  
**юридик фанлари доктори,**  
**профессор**

## ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 26 июндаги 7-сонли қарорига асосан адлия бошқармасининг 2021 йил 3 августдаги 174-ум-сон буйруғи билан адвокат Тожибоева Насиббахон Насриддиновнинг адвокатлик мақоми тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 26 июндаги 7-сонли қарорига асосан адлия бошқармасининг 2021 йил 3 августдаги 179-ум-сон буйруғи билан адвокат Турғунова Назоқатхон Собиталевнанинг адвокатлик мақоми бола парваришlash таътили даврига тўхтатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 17 августдаги 174-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Бахронов Фахриддин Файзуллаевичнинг адвокатлик мақоми тикланди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 17 августдаги 173-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Раззакова Зулфия Холиковнанинг адвокатлик мақоми тикланди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан “NAMANGAN ADVOKATKAR HAY’ATI” адвокатлар ҳай’ати адвокати Икрамов Анвар Аскарджановичга бошқарма томонидан 2018 йил 24 декабрда берилган NA 000047-сонли адвокатлик фаолияти би-

лан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда унинг адвокатлик мақоми Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан тугатилди.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 6 августдаги 10-сон йиғилиш қарорига асосан Ғузор туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Журабаева Гулрух Жаҳонгир қизига (лицензия KS 0013, 2020 йил 23 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 15 кун муддатга,

яъни жорий йилнинг 7 август кунидан 22 август кунига қадар тўхтатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг 9 август кунини Қарши шаҳар “Protessual kafolat” адвокатлик бюроси адвокати Каттабоев Сафар Ашуровичга бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000065-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Чирчиқ олий танк кўмондон муҳандислик билим юрти томонидан 1999 йилда Роҳаталиев Жамшид Соаталиевичга берилган №241082-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Наманган вилоят адлия бошқармаси жамоаси тажрибали ҳуқуқшунос, адлия фахрийси, Чуст туман ФХДЭ бўлимнинг собиқ мудираси

**Нодира**  
**ЖАЛОПОВНИНГ**  
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ давлат юридик университети қошидаги академик лицей бундан 24 йил муқаддам ташкил этилган. Бир сўз билан уни юридик таълимнинг илк бўғини деб аташ мумкин. Ўтган йиллар мобайнида мазкур таълим муассасаси минглаб битирувчиларни юридик университет ва бошқа олий таълим даргоҳларига йўллади. Қолаверса, академик лицей фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб борди.



# ЮРИДИК ТАЪЛИМНИНГ ИЛК БЎҒИНИ

Айни муассасада “Ижтимоий-гуманитар 2” йўналишида ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрланади. Бунинг учун 28 та ўқув хоналари, спорт зали, очик спорт майдони, 2 та компьютер хонаси ва 2 та лабораторияда ёшларнинг мукамал билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, лицей ўқувчилари айрим имтиёз ва имкониятларга ҳам эга. Жумладан, академик лицейда чуқурлаштирилган ва мутахассислик фанларидан тўғрақ машғулотларида қўшимча шуғулланиш имконияти мавжуд. Ўқувчиларга фан олимпиадаларининг Тошкент шаҳар босқичида тўғридан-тўғри иштирок этиш имконияти берилган. Республика босқичида фахрли ўринларни эгаллаган ўқувчилар эса имтиёзли равишда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб академик лицейда

қабул тартиби ва параметрлари Тошкент давлат юридик университети томонидан мустақил белгиланган ҳолда, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий қилинди.

Бошланаяк 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб 10 нафардан ўқувчиларга тегишли мезонлар асосида белгиланадиган “Академик лицей ифтихори” стипендиялари жорий этилди. Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосан эса, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари Тошкент давлат юридик университетида тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари

ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2020/2021 ўқув йилида академик лицейда 472 нафар ўқувчи тахсил олди. 251 нафари битирувчилардир. Айни пайтгача уларнинг 19 нафари Тошкент давлат юридик университетида тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди. Қолган битирувчилар ҳам маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишган. Умид қиламизки, тест натижалари эълон қилинган, талабалик бахтига муяссар бўлганлар сафи янада кенгайди. Академик лицейда эса, бўлажак ҳуқуқшуносларни тайёрлашдек эзгу ишлар давом этаверади.

**Исломбек РУСТАМБЕКОВ,**  
Тошкент давлат юридик университети проректори, ТДЮУ қошидаги академик лицей директори

## QQB | QISHLOQQURILISHBANK

Реклама

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси  
барча юртдошларимизни  
Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан  
самимий муборакбод этади!



Байрам муносабати билан

**“ЖОЗИБА”**

жамғармали омонатини таклиф этади

Омонат муддати	13 ой
Йиллик фоиз ставкаси	21%
Омонат фоиз тўловлари	ҳар ойда

